


**UZA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2021 ЙИЛ МАЙ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2021 йил май ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

<b>О.Х.АБДУЛЛАЕВА.</b> Тил корпусларини яратишда қўлланилувчи дастурлар таснифи-----	194
<b>Ф.С.БАФОЕВ.</b> Ҳерман Вамберининг «Сagataische sprachstudien» («Чигатой тили дарслиги») асаридаги ўзбек мақоллари хусусида-----	203
<b>Д.Б.ОЛИМОВА.</b> Аҳмад Яссавий “Меърожнома”сининг ирфоний моҳияти-----	210
<b>Д.М.ЮЛДАШЕВА.</b> Педагогическое наследие академика Л.В.Щербы и его актуализация в современной науке и образовании-----	219
<b>С.С.ХОТАМОВ.</b> Ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» асаридаги ўзига хос услубнинг таҳлилий жиҳатлари-----	228
<b>Д.Н.САЪДУЛЛАЕВА.</b> Ўзбек насрида рухоний образига муносабат масаласи-----	236
<b>М.О.ҲАМИДУЛЛАЕВА.</b> Алишер Навоий шеърлятида кўз, қош, киприк тимсоллари талқини-----	246

### *Тарих*

<b>С.С.РАУПОВ.</b> Бухоро амирлигида маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув-----	254
<b>Ф.А.АДИЛОВ.</b> Озарбайжон тарихчиси Зиё Мусо ўғли Буниётовнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси-----	264
<b>О.Р.РАШИДОВ.</b> Ўзбекистонда большевиклар миллий сиёсатидаги тил ва ёзув масаласи-----	271
<b>И.Х.ШОЕВ.</b> Археология и перспективы изучения и использования археологических коллекций-----	281
<b>Ф.А.КАЛАНДАРОВА.</b> “Тарихи салотини манғития”да Бухоро амирлиги этник таркибининг ёритилиши-----	289

### *Фалсафа*

<b>Ш.Б.МУРТОЗАЕВ.</b> Абу Ҳафс Умар Сухравардий ҳаёти ва илмий мероси-----	298
<b>Ш.Ф.ДЖУРАЕВ, А.А.АЛАМОВ.</b> Организация учебного процесса по предмету философия: краткий анализ-----	306

### *Техника*

<b>Х.Н.ЗАЙНИДИНОВ, Ш.А.АНАРОВА, Ж.С.ЖАББАРОВ.</b> Ўхшашлик ёрдамида геометрик шаклларнинг фрактал ўлчовлари-----	317
<b>Э.Т.ФАРМОНОВ, Т.АБДИЛЛАЕВ, Ф.Э.ФАРМОНОВА.</b> Саксовул ва черкез уруғларини экадиган сеялка экиш аппаратининг параметрларини мақбуллаштириш-----	326
<b>Ш.А.СУЛАЙМОНОВ.</b> Кимёвий препаратлар ёрдамида куруқ пилла қобиғини чанг ва бошқа омиллардан сақлаш орқали сифатли хом ипак олиш усуллари-----	334

## **“ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНГИТИЯ”ДА БУХОРО АМИРЛИГИ ЭТНИК ТАРКИБИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

**Ферангиз Азаматовна КАЛАНДАРОВА**

Ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини мангития” асарида тилга олинган, XIX аср охири XX бошларида Бухоро амирлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган этник бирликлар ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** мангит, кенагас, қўнғирот, хитой-қипчоқ, афғон, араб, яхудий.

## **ОСВЕЩЕНИЕ ЭТНИЧЕСКОГО СОСТАВА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В “ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНГИТИЯ”**

**Ферангиз Азаматовна КАЛАНДАРОВА**

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье рассматриваются этнические единицы, упомянутые в книге Мирзо Абдулазима Соми “Тарихи салотини мангития”, которые сыграли важную роль в политической и социально-экономической жизни Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX веков.

**Ключевые слова:** мангит, кенегес, кунграт, китай-кипчаки, афганцы, арабы, евреи.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган тарихий воқеликни ўзида акс эттирган, шунингдек, Россия империясининг Ўрта Осиё, хусусан Бухоро амирлигини босиб олиш жараёни кенг ёритилган муҳим тарихий манбалардан бири, бу – бухоролик тарихчи ва адабиётшунос олим Мирзо Абдулазим Сомий (1839-1908) қаламига мансуб “Тарихи салотини мангития” (Мангит ҳукмдорлари тарихи) асаридир.

Мирзо Сомий 1838 йили Кармана йўлида жойлашган, Бухородан 50 км узоқликдаги Бўстон қишлоғи (ҳозирги Қизилтепа)да туғилган. Бошланғич маълумотни Бўстонда олгандан кейин ўқишни Бухоро мадрасаларидан бирида давом эттиради. Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Амир Музаффар ўзининг "Тазкират-уш-шуарои муосир" (Замондош шоирларнинг тазкираси)да ёзишча, бўлғуси тарихчи ўзининг кейинги таълимини қози Саъдиддин Моҳир қўли остида давом эттиради. Сомий (олий) таҳаллуси ҳам унга Саъдиддин Моҳир томонидан берилган. Автобиографик малумотларида Мирзо Сомий ёшлигиданоқ ўзининг билимга, айниқса тарих ва луғатшунослик илмига қизиқишини ёзган. Шунингдек ўша йилларда ўқиб, ўрганган тарихий асарларини санаб ўтади. Бу эса ўз навбатида унинг шарқ тарихшунослигидан яхшигина хабардор эканлигини кўрсатади. Мирзо Сомий ўзи яшаган даврга оид тазкираларнинг бирида кўзга кўринган тарихчи, адабиётшунос, шоир, ҳаттот ва нутқ санъатининг устаси сифатида тилга олинади

Хушхатлиги, расмий иш қоғозларини чиройли ёзганлиги ва услуби раволиги учун Мирзо номи билан шуҳрат топган. Мадраса таҳсилини тугатганидан кейин Мирзо Сомий турли вилоятларнинг ҳокимлари саройида мирзолик вазифасида фаолият кўрсатган. Амир Музаффар (1860-1885) даврида саройда муншилиқ (котиблиқ) қилган, унинг эътиборини қозонган. Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар даврида у амир Музаффар қўшини таркибида бўлиб, ўзини "воқеанигор" (воқеаларнинг кузатувчиси) деб атайдди.

Мирзо Сомий амир Музаффарнинг Шахрисабз ва Китоб ҳокимлари билан олиб борган урушлари даврида (1863-1864) амир томонидан бухоролик қўшинларга "нависанда" (ёзувчи) этиб тайинланган. Мирзо Сомий ҳарбий ҳаракатлар даврида ҳам воқеаларни ёзиб борган.

Мирзо Сомий амир Абдулаҳад (1885-1910) даврида бир неча йил шу вазифани бажарган. 1881 йилда Александр III нинг Россия империяси тахтига

ўтириши муносабати билан уюштирилган маросимга Бухоро тахтининг вориси амир Абдулаҳад билан бирга Россияга бориб келган. Бундан ташқари у Бухоро элчилари таркибида Моква, Нижний Новгород, Боржоми, Тбилиси шаҳарларида саёҳатда бўлган.

Амир Абдулаҳад саройида 10 йилча хизмат қилган шоир умрининг охириги йилларида (у шу пайтда тахминан 60 ёшларда бўлган) баъзи сабабларга кўра саройдан четлаштирилади.

“Тарихи салотини манғития” асари ўзида Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярмига оид сиёсий тарихини, хусусан Россия ва Бухоро амирлиги ўртасида бўлиб ўтган жанглар, босқин арафасида амирликнинг ички сиёсий вазияти, валиаҳд-шаҳзода Абдулмалик тўранинг рус истилочиларига қарши ҳаракатлари, амир Музаффарнинг ўз ўғли исёнини бостириш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун олиб борган сиёсатига оид қимматли малумотларни ўзида жамлаган.

Асарнинг хронологик чегараси XIX ўрталаридан, яъни сўнгги аштархоний Абулфайзхон (1711-1747) ҳукмронлигининг охириги йилларидан то XX аср боши, манғитлар сулоласидан бўлган Абдулаҳадхон (1885-1910) ҳукмронлигининг дастлабки йилларини ўз ичига олади.

Мазкур асарда нафақат Бухоро амирлигининг, балки кўшни мамлакатларнинг тарихига оид маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, муаллиф 1989 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида кўтарилган Дукчи Эшон кўзғолони [4;123-125] ва 1904-1905 йилларда бўлиб ўтган рус-япон уруши [4;120] борасидаги субъектив фикр ва мулоҳазаларини ўз дунёқараши доирасида баён этади.

Шу билан бирга асардан Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи этник бирликлар, уларнинг тарқалиш ҳудудлари, мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида билиб оламиз. Қуйидаги мақолада Бухоро амирлигининг этник таркиби мазкур асар асосида таҳлил килинади.

Асарда энг кўп учрайдиган этник номлардан бири бу, табиийки "манғит" уруғидир. Манғит сўзи баъзи манбаларда "қалин ўрмон" деган маънони англатиши айtilган [8]. Бу маълумотга Абулғози Баходирхоннинг "Шажараи турк" асари асос бўлган, деб ҳисоблаймиз [1]. Мазкур асарда ёзилишича, "ўрманқит элининг юртлари қалин ўрмон ичида бўлгани боис шу номни олишган. Шунингдек, ўрманқитларнинг яна бир тури нукус ва мўғул ўрмонларидандир. Бу икки элнинг бир-бирига ҳеч қариндошлиги йўқ". Манғит уруғи 3 гуруҳга бўлинади:

- тўқ манғит;
- оқ манғит;
- қора манғит [7;59].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, манғит амирлари тўқ манғит уруғига тегишли бўлишган. Асарда манғит уруғининг юқорида санаб ўтилган барча гуруҳи тилга олинади. Уларнинг барчаси юқори давлат лавозимларида фаолият юритишган. Қуйидагилар бунга мисол бўла олади:

- девонбеги (амирликнинг молиявий ишларини назорат қилган) Аллоёр манғит;
- эшикоғабошилардан (амир остонасининг асосий кўриқчиси бўлган) Йўлдош манғит, Тоғаймурод манғит, Худоёр манғит;
- парвоначи (амалорларнинг маълум бир лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги фармонни етказувчи амалдор) Раҳмонқулбий манғит, Иброҳим манғит. Ҳатто Парвоначи Раҳмонқулбий манғит амир Музаффар томонидан Яккабоғ ҳокими этиб тайинланган.

Шунингдек, асар таҳлили жараёнида амирликдаги юқори ҳарбий лавозимлар манғит уруғидан чиққан саркардаларга тегишли бўлганини билиб олиш мумкин. Буларга тўқсобалик (ҳарбий бўлинма бошлиғи) лавозимида бўлган Худоёр қора-манғит, Ибодуллобек оқ-манғит, Иброҳим тўқ-манғит, Ирискул манғит, Азизкул манғитларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Демак, кўриниб турибдики манғит уруғидан бўлганлар амирликнинг девонбеги, парвоначи, эшикоғабоши ва тўқсоба каби юқори давлат лавозимларига тайинланишган. Шу билан бирга, уларга топширилган вазифалардан маълум бўлаяптики, манғитлар Бухоро амирларининг ишонган вакиллари бўлишган. Масалан; амир Музаффар ўғли Абдумалик тўрани тутиб келиш учун биринчи марта Йўлдош эшикоғабоши манғит ва Тоғаймурод эшикоғабоши манғитларни юборди. Иккинчи бор эса парвоначи Раҳмонқулбий манғитни юборган. Абдумалик Тўра (1848-1909) – амир Музаффарнинг тўнғич ўғли, валиаҳд шахзода бўлган. Отасига қарши чиқиб, атрофига манғит, кенагас ва бошқа уруғ раҳбарларини тўплаб Россия империяси босқинчиларига қарши мустақил равишда курашгани учун амир ғазабига учраб, валиаҳдликдан маҳрум қилинган.

Амирликда қудрати жиҳатидан кейинги ўринда турувчи уруғ бу – кенагаслардир. Улар асосан Ўратепа, Шаҳрисабз, Китоб худудларида тарқалишган. Кенагаслар азалдан бўйсунмас уруғ бўлиб, кўпинча мустақилликка интилишган. Манғит амирларининг кўплари ўз хукмронликлари даврида улар билан курашиб келганлар. Амир Насрулло, амир Ҳайдар, амир Музаффар фаолиятида бу курашнинг айрим жиҳатларини кузатиш мумкин. Шунингдек, Абдумалик тўранинг атрофида бирлашган кўшин орасида Қарши ва Шаҳрисабз кенагаслари кўпчиликни ташкил этган.

Шунингдек, асарда кўнғиротлар ҳақидаги малумотларни ҳам учратамиз. Улар асосан Сурхондарё худудидаги Шеробод беклигида истиқомат қилишган. Асар матнида ҳам “Шеробод кўнғиротлари” бўлиб келган. Кўнғиротлар ҳам вақти-вақти билан расмий ҳокимият қарорларига қарши чиқиб туришган. Улар амир Музаффар ҳоким этиб тайинлаган Каримқул иноқни Шерободдан ҳайдаб чиқарадилар. Аммо кейинчалик амир кўнғиротларга қарши кўшин юбориб, уларни ўзига бўйсунтиради [4;110].



Демак, кўриниб турибдики, кўнғиротлар ҳам кенагаслар каби амирликда катта кучга эга уруғлардан бўлишган, баъзан эса амир ҳокимиятига бўйсунмай кўзғолон кўтариб туришган.

Асарда хитой-қипчоқлар ҳақидаги малумотларни ҳам учратамиз. Улар асосан Самарқанд ва Каттақўрғон оралиғида тарқалишган. Хитой-қипчоқлар ҳам худди кенагас ва кўнғиротлар каби вақти-вақти билан манғит амирларига қарши бош кўтариб туришган. Асарда каттақўрғонлик Ибодуллобий хитойнинг 1745 йилда бир гуруҳ хитой-қипчоқлар билан кўтарган кўзғолони ҳақида ёзилган. Ибодуллобий ўз кўшини билан Бухоро ва Баҳоуддин Нақшбанд мозори атрофини талон-тарож қилади. Бундан Нодиршоҳ хабар топгач, манғит Муҳаммад Раҳимбийни кўзғолонни бостириш учун юборади. Раҳимбий уларни Самарқандгача қувиб боради ва уларни жазолаб ортга қайтади [4;43]. 1740 йилда Бухоро Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ томонидан эгалланган. Аммо сўнгги аштархоний Абулфайзхон (1711-1747) номигагина ҳукмдор бўлиб ўз тахтида қолган.

Хитой-қипчоқлар амир Ҳайдар (1800-1826) даврида ҳам кўзғолон кўтаришган. Шунда амир уларга қарши ўғли Насруллоҳни (1826-1885) юбориб ўзи Самарқандга, сўнгра Ўратепага бориб кенагасларни қаттиқ жазолаб қайтган.

Асарда тилга олинган этник номларни таҳлил қилар эканмиз, Бухоро амирлигида ўзбек уруғларидан ташқари яхудий, эроний, насроний, араб ва афғонлар ҳам кенг тарқалганини кўриш мумкин. Баъзи этник бирликлар Россия-Бухоро уруши жараёнида тилга олинади. Масалан Искандархон бошчилигидаги 200 нафар афғонлар Жиззах шаҳри камали пайтида шаҳар ҳимоячилари билан бирга Россия империяси лашкарига қарши курашганлар.

Бухоро амирлигида истиқомат қилувчи афғонлар ҳақидаги маълумотлар бошқа манбаларда ҳам бор. Уларга кўра афғонларнинг Бухоро амирлигидаги сони 1817 йилдан сўнг, Қобулдан кўчириб келтирилган мусофирлар ҳисобидан кўпайган. Улар тахминан 2 минг атрофида бўлган [5].

Афғонлар асосан амирликнинг Амударё ва Панҷ атрофидаги ерларда истиқомат қилишган [2;57]. Улар кенг елкали, узун бўйли, қорачадан келган, қора кўзли бўлиб, узун соқол қўйиб юришган. Уларнинг ташқи кўринишидан афғон эканлигини билиб олиш мушкул бўлмаган [8;642].

Асарда араб қавмлари Чўпонота жанги тасвирланиш жараёнида тилга олинади. Жумладан, Чўпонота тепалигида саф тортган Бухоро амирлиги қўшини орасида Хожи Румий ва ислом динини қабул қилган христиан Усмон бошчилигидаги араб ва ўзбеклардан тузилган тўрт минг кишилик бўлинма бўлган [4;74].

XIX асрда Бухоро амирлиги ҳудудида кўп сонли араб қавмлари ҳам бўлган. Улар амирликнинг турли ҳудудларида тарқалган бўлиб, аксарияти Вардонзе ва Самарқанд атрофида яшашган. Араблар асосан чорвачилик билан шуғулланиб кун кечиришган ва соф бўлмасада, араб тилида сўзлашишган [7;57].

Асарда “ўзбек” атамасини алоҳида этноним сифатида учратамиз. Мирзо Сомий амирлик қўшини ҳақида гапирганда “ўзбек қўшини” дейди. Бунга сабаб қилиб қўшинга асосан ўзбек амирлари бош бўлганини кўрсатиш мумкин. Тожик этнонимини манбада “Самарқанд тожиклари” сифатида учратиш мумкин.

Ўзбеклар ва тожиклар XIX аср охири XX аср бошларига оид кўплаб манбаларда Бухоро амирлигининг туб аҳолиси дейилади. Жумладан, амирлик аҳолисининг 51% ўзбеклар, 31.5% тожиклар, 10% туркманлар, 7.5% қорақалпоқлар, қозоқлар, яҳудийлар, руслар, татарлар, арманлар, форслар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этишган.

Ўзбеклар асосан Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон водийларида яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Тожиклар эса амирликнинг шарқий ҳудудларида – Қоратегин, Дарвоз, Фарм, Балжувон, Кўлоб, Қўрғонтепа ва ғарбий Помирда яшашган.

Чоржўй в Карки худудларида асосий машғулоту чорвачилик бўлган туркманлар, Кармана ва Нуротада қорақалпоқ ва қозоқлар тарқалишган [6].

Бухоро яҳудийлари асосан Бухоро, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида яшаб [2;38] ҳунармандчилик ва савдо ишлари билан шуғулланишган. Буни бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салими” асарида ёзилишича, амирликнинг рус-болшевикларига қарши тузилган умумий қўшини учун Бухоро, Шаҳрисабз, Хатирчи яҳудийларидан 500 кишилиқ жангчиларни юборишга фармон берилади. Аммо яҳудийлар азалдан Бухоро амирлиги қўшини таркибида бўлмаганлиги, ёки ҳарбий иш билан шуғулланмаганлиги учун улар аскар ўрнига маблағ юборишга рухсат беришни сўрашади. Шундай қилиб, улар 1 миллион саккиз юз минг рубл рус пулини Бухоронинг бош қозисига топширишган [3].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мирзо Сомийнинг “Тарихи салотини манғития” асари Бухоро амирлигида яшовчи этник бирликлар, уларнинг давлатдаги мавқеи ва эгаллаган лавозимлари ҳақидаги керакли хулосаларни чиқаришга ёрдам беради. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Бухоро амирлиги кўп миллатли давлат бўлган. Манғит, кенагас, қўнғирот, хитой-қипчоқ ва бошқа уруғлар амирликнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутишган. Улар гоҳ амирлик қўшини таркибида умумий душманга қарши курашган бўлса, гоҳ давлатнинг сиёсий тарқоқлашувига олиб келувчи қўзғолон ва талончилик юришларини уюштиришган. Қарийб барча манғит амирлари ўз ҳукмронлиги даврида бу ўзбошимча уруғ ва қабилаларга қарши курашиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишган ва аксарият ҳолларда бунинг уддасидан чиқишган.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абулғози, Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.
2. Логофет Д.И. Страна бесправия. – Санкт-Петербург, 1909. – 239 с.

3. Мирза, Салимбек. Тарихи Салими [Источник по истории Бухарского эмирата] читать онлайн | Электронная библиотека. <https://e-libra.su/read/468357-tarih-i-salimi-istochnik-po-istorii-buharskogo-emirata.html>
4. Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангытских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: Наука, 1962. – 332 с .
5. Мейендорф К.Й. Путишествие из Оренбурга в Бухару. – Москва: Наука, 1975. – 161 с.
6. Тухтаметов Т.Г. Россия и бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 208 с.
7. Хаников Н. Описание бухарского ханство. – Санкт-Петербургъ, 1843. – 280 с.
8. Шубинский П.П. Очерки бухары. Исторический вестник. – Санкт-Петербургъ, 1892. – 123 с.